Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 3 ноябрь ШАНБА

№ 90 (11.997)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ – АМАЛДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубковни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, давлатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни олий босқичга олиб чиқишга асос бўлаётган мазкур шартнома барча соҳалардаги ҳамкорликка юксак суръат бахш этмоқда. Икки мамлакат президентлари олий даражадаги ташрифлар ва халқаро ташкилотларнинг саммитларида мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиб турадилар. 2006 йил давомида Ислом Каримов ва Владимир Путин тўққиз марта учрашди. Мамлакатларимиз ўртасида турли мақомдаги ўттиздан зиёд делегациянинг ташрифлари уюштирилди.

Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз раҳбарларининг бир-бирига ҳурмат ва ишончи, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, халқаро муаммолар борасидаги қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг ўттиз фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам жуда бой – машина ва ускуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металлар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айниқса савдо, энергетика, кончилик, металлургия, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир. Саноатнинг электротехника, машинасозлик, самолётсозлик каби мураккаб тармоқларида алоқалар кенгаймоқда. Телекоммуникация ва дастур таъминоти, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларида катта имкониятлар мавжуд ва уларни тўлиқ ишга солиш устувор вазифалар сирасидандир. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилган ва изчил ривожланмоқда.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, алоқаларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқади, устувор соҳаларни белгилайди. Жорий йил март ойида Москвада унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, фан ва технологиялар каби соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг, жорий йилда И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилди. Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда.

В. Зубков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни, барча соҳаларда ривож топаётган шериклик алоқаларини юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**Тошкентда 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Алмазбек Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубков ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқиловнинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М. Субанов ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаётгани, Бишкек саммитида имзоланган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Ташкилотнинг халқаро нуфузи юксалиб, унга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сони ортиб бормоқда.

ШҲТ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан савдоси 40 фоиз ўсди.

Қатнашчилар ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар – ташкилот қамраган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда ҳамкорликка доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизлик муаммолари, Афғонистонни тиклаш масалалари ШҲТнинг доимий эътиборида. Томонлар терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес каби таҳдидларга қарши курашда ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ШҲТ Бош котибининг Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил 24 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалиётга татбиқ этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2007 йилнинг июнь ойида эса Москва шаҳрида ёқилғи-энергетика мажмуи учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кенгаши ўтказилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорликка оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг гапи



## КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА ЗАМИН

**Деҳқонларнинг юмуши айни қизийдиган куз фаслининг сўнгги ойи ҳам бошланди. Пахтакорларимиз далалардаги қимматбаҳо хом ашёни сўнгги мисқолларигача саранжомлаб бўлишган шу кунларда сабзавоткорларимиз ҳам ўзлари етиштирган ҳосилни совуққа қолдирмай, йиғиштириб олиш ва аҳоли эҳтиёжлари учун етарли маҳсулотлар захирасини яратиш ҳаракатидалар.**



Ғаллакорларимиз кузги дон экишни якунлаш арафасида турган шу паллаларда кўплаб заминдорлар кузги шудгорни жадал бошлаб юбордилар.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра вилоят бўйича ажратилган сувли майдонларга барака уруғлари қадаб бўлинди. Мавсумда Тошкент, Янгийўл, Қуйичирчиқ, Бекобод, Бўка ва Оққўрғон тумани ғаллакорлари қулай фурсатлардан самарали фойдаланганликлари боис, бу туманлардаги аксарият йирик майдонларда ниш уриб, дуркун ривожланаётган буғдой майсалари бугун кўзни қамаштирар даражага етди. Дон экилган майдонларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи суғориб бўлинди. Қизғин давом этаётган бу муҳим агротехник тадбирга 4300 нафардан зиёд тажрибали сувчи ва мироблар жалб этилган.

Халқимизда «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақл бор. Бу гапни асл деҳқонлар кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб айтишгани аниқ.

– Негаки, кузда сифатли ҳайдалган ер қор-қировли кунларда тиниқиб дам олади, – дейди Чиноз туманидаги «Муқимий» фермер хўжалиги раҳбари Муқим Эрхўжаев. – Бу ернинг қувватини ошириш, унумдорлик хусусиятларини ўзида сақлаб қолиши, бегона ўтлар ва зарарли унсурларнинг йўқолишида муҳим омилдир. Шу сабабли ҳар йили кузда ҳосилдан бўшаган майдонларни октябрнинг сўнгги ва ноябрнинг дастлабки кунларидаёқ шудгорлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Вилоятимиз бўйича кузги шудгорлаш тадбирларининг аниқ-пухта жадвали ишлаб чиқилиб, октябрь ойининг сўнгги кунларидан оммавий киришилди. Унга кўра бир ойнинг нари-берисида 110 минг 400 гектар майдон шудгорланиши лозим. Мавсумни белгиланган муддатларда, сифатли якунлаб олиш учун 150 та юқори унумли «Магнум» ҳайдов тракторлари жалб этилди. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 9,5-10 гектар майдон шудгорланаяпти. Шунингдек, яна 398 та оддий ҳайдов тракторларидан самарали фойдаланиляпти. Мазкур агротехник тадбир оммавий тарзда эндигина бошланган бўлсада, бир кунда 3200 гектар атрофидаги майдонлар ҳайдалаяпти. Паркент, Бўстонлиқ, Бўка, Тошкент ва Қибрай туманларида бу жараён белгиланган муддатлардан ҳийла жадал бораяпти.

Кўриниб турибдики, кузги шудгорни қишнинг қаҳратон кунларига қолдирмай, қисқа фурсатда якунлаб олиш имконияти мавжуд. Шунинг баробарида куз обҳавоси ҳам деҳқонларимизга қайишаётир. Энди ҳамма гап бундан омилкорона фойдаланиб қолишда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

### ФИЛИАЛ ҲАМ ҲИССА ҚЎШАДИ

**Маълумки, шу йил 12-25 ноябрь кунлари вилоятимизда қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш тадбирини ўтказиш режалаштирилган.**

Шу муносабат билан «Саломатлик» институтининг вилоят филиали ходимлари муҳим тадбирни тарғиб этувчи махсус плакат ва тарқатма материаллар тайёрлаб, чоп эттирди. Булар оммавий эмлашнинг моҳияти, ёш авлод саломатлигини асрашдаги роли ҳамда ота-оналарнинг бу борадаги масъулиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

### ДАСТУР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан маълум қилишларича, шу йилнинг охирига қадар вилоятдаги 64 та қишлоқ врачлик пунктининг қиёфаси тубдан яхшиланади.**

Бунинг учун Япония ҳукумати билан имзоланган махсус дастур амалга оширилади. Дастурга биноан ҳар бир шифо маскани 45-50 минг АҚШ доллари қийматидаги зарур тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминланади. 91 номланишдаги бу ускуналар Япония ва Европанинг машҳур заводларида ишлаб чиқарилган.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаони қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари бу ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи эканини, бугунги учрашув мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратишини таъкидлади. Ўзбекистон икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорликнинг суръатини юксак баҳолаши ва қадрлашини, мамлакатларимиз ШҲТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг анъанавий дўстона, ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраган Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2005 йилда Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланганидан кейин янги босқичга кўтарилиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 600 миллион, жорий йилнинг январь-август ойларида 477 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил май ойида ХХРга давлат ташрифи асносида эришилган келишувлар Ўзбекистон иқтисодиётига 1,5 миллиард доллар миқдорида сармоя киритилишини назарда тутиши, шунингдек, ШҲТнинг 2004 йилги Тошкент саммитида Хитой мазкур ташкилотга аъзо давлатлар учун 900 миллион доллар миқдорида кредит ажратгани ва ушбу ташаббус доирасида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган 22 лойиҳа кўриб чиқилаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенглигидан далолатдир.

Давлатларимиз ўртасида имзоланган терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва маслаҳатлашувлари тўғрисидаги битимлар ўзаро ишонч руҳини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик қамрови ҳам кенг. Шанхайда ўтказиладиган анъанавий халқаро миллий маданият ва санъат фестивалида Ўзбекистон вакиллари, Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида хитойлик хонанда ва созандалар мунтазам қатнашиб келмоқда. Тошкент ва Пекинда бўладиган замонавий санъат биенналелари ҳам икки мамлакат ижодкорларининг фаол иштироки билан ўтади.

Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси, Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт очилган.

Мамлакатларимизнинг ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, жумладан, спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг. Ўзбекистонда спортнинг янги турлари ривожланиб бораётир. Хитой 2008 йилги Олимпия ўйинларига мезбонлик қилади. Бу жиҳатдан 2005 йилда икки мамлакат миллий олимпия қўмиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани муҳим аҳамиятга эга.

Оқсаройдаги учрашувда Вэнь Цзябао самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорлик соҳаларини янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Бадиий академиясида «Бугунги Хитой» деб номланган фотокўргазма очилди.**

## СУРАТЛАР СЎЗЛАГАНДА

Мазкур кўргазма «Ўзбекистон Маданият ва санъати форуми» жамғармаси, Хитой Халқ республикасининг Инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ва ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада хитойлик фотоусталар томонидан олинган тўрт юзга яқин фотосурат намойиш этилди. Улар Чин юртининг тарихи, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилиб турибди.

**«Туркистон-пресс».**

**2008 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

## ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАНЛАНАДИ

***Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Асосий эътибор мазкур танловнинг вилоят босқичига тайёргарлик кўриш, тавсия этиладиган номзодларга қўйиладиган талаблар, ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби каби муҳим жиҳатларга қаратилди. Шунингдек, навбатдаги танловда номзодларнинг ёши, уларнинг барча шаҳар ва туманлар бўйича қамраб олиниши, оилавий шароити, ижтимоий таъминланганлик даражаси каби томонларга жиддий эътибор қаратилиши алоҳида таъкидланди.

– Ижтимоий ҳимоя йили мазкур танловимизнинг мазмун-моҳиятига, мундарижасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатганлигини яққол сезиш мумкин, – дейди комиссия раиси, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова. – Дейлик, номзоди қўйилган қизимизнинг иқтидори, истеъдоди юқори даражада, лекин кам таъминланган оиладан. Ана шундайларга биринчи галда эътибор қаратмоғимиз талаб этилади.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

# ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Мажлисда нефть-газ конларини ўзлаштириш, ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмаларини такомиллаштириш, шунингдек, юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифага айланиб бораётгани қайд қилинди. Шунингдек, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд.

Қатнашчилар ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашмасининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, аъзо мамлакатлар ишбилармон ва молиявий доираларини йирик минтақавий сармоявий лойиҳалар ижросига кенгроқ жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва экспортга йўналтирилган секторларида, юқори технологиялар соҳасида ушбу икки тузилманинг ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалаларининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Музокаранинг бу қисмида кузатувчи давлатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е. Ахамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти П. Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М. Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х. Касури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти А. Масъуд қатнашдилар.

Мажлисда ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида транспорт, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар борасидаги ҳамкорлик, гуманитар соҳадаги алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари анчагина. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг транспорт коммуникациялари қатор давлатлар учун транзит вазифасини бажаради ва айни пайтда Ўзбекистонга тегишли юклар қатор мамлакатлар ҳудуди орқали ўтади. Биргина Андижон-Ўш-Қашқар магистралининг салоҳияти таҳлил қилинса, бу борадаги ҳамкорликнинг имкониятлари анча кенг эканлиги аён бўлади. Шу боис транспорт соҳасида халқаро автомобиль ҳаракати учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича битим ишлаб чиқиш лозим. Энергия манбаларини узатиш борасида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Саноатнинг кўплаб соҳаларида қўшма корхоналар тузиш, сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдалидир. Пахта, тери, ипакни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларнинг ўзида ҳам катта имкониятлар бор. Мажлисда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва рағбатлантиришга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорлик масалаларига, айниқса, маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларга сўнгги вақтларда Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бишкек саммитида Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир. Мажлисда ШҲТ Котибиятига экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалиётга татбиқ этишнинг муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бу йўналишда маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ШҲТнинг Бишкек саммитида ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ШҲТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган эди. ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисининг қатнашчилари бу йўналишдаги имкониятларни кўриб чиқдилар.

Соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борадаги алоқалар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида тажриба алмашиш, турли эпидемияларга қарши биргаликда курашишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш масалалари муайян даражада атроф-муҳит муҳофазасига боғлиқдир. Мажлисда таъкидланганидек, ШҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик концепцияси ишлаб чиқилган. Уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш зарур.

Мажлисда ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, нефть-газ сектори, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, спорт, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳалар учун масъул бўлган вазирлик ва идораларга ушбу йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, мавжуд режа ва дастурлар ижросини фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш чора-тадбирлари режасига киритилган лойиҳаларни таҳлил қилиш вазифаси топширилди.

Кенгашда ШҲТнинг 2008 йилги бюджети тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисни 2008 йилда Қозоғистонда ўтказишга келишиб олинди.

Мажлис якунида Қўшма баёнот, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали кечгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Меҳмонлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши юксак савияда ташкил қилинганини алоҳида таъкидладилар.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни



# ЧОРБОҒДА ИШ ҚИЗҒИН

**Бугун барча шаҳар ва қишлоқларда долзарб сиёсий кампания – Президент сайловига қизғин тайёргарлик кўрилаяпти.**

**– Сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ўз номзодларини қувватловчилар имзосини тўплашда давом этишмоқда, – дейди Бўстонлиқ туманидаги Чорбоғ шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Элаш Ашуров. – Ҳозирги пайтда шаҳарчамиздаги уч сайлов участкасида сайловолди тайёргарлик ишлари қизғин давом этаяпти.**




Дўстлик маҳалласидаги 333-сайлов участкаси жойлашган бино олисдан кўзга ташланади. Бу ерда сайловчилар учун яратилаётган шароитлар билан танишиб, қаноат ҳосил қилиш мумкин.

335-сайлов участкасига кираверишда эса, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 51 кун қолди» деган лавҳа кўзга яққол ташланиб турибди.

— Бу участкада 880 дан ошиқ сайловчи овоз бериши кутилмоқда, — деди 16-умумтаълим мактаби директори Акмал Умаров. — Ётиқли одамлар ҳам бу жараёндан четда қолмайди. Чорбоғ автокорхонаси участкани жиҳозлаш, зарур ташкилий-техник воситалар билан таъминлашга ёрдам кўрсатди.

Тайёргарлик ишларида Зулфия Исаева, Рустам Сарибоев, Мактуба Охунжонова, Гулбаҳор Маҳамедова фаол қатнашдилар.

Чорбоғда сайловолди саъй-ҳаракатлар авжида. Муҳими — лоқайдлар йўқ. Одамларда қизиқиш, интилиш ортиб бораяпти.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**СУРАТЛАРДА:**
сайлов участкасидаги тайёргарлик жараёнидан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

**Тошкентда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Қурултойда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳаммедовнинг дастурий маърузаси тингланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, унинг 72 минг кишини бирлаштирган сафлари мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Партиядан сайланган 11 нафар депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритмоқда. Партия аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётир.

Шу йил 23 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда улкан аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ва партиянинг барча фаоллари, бошланғич ташкилотлари учун ижтимоий-сиёсий етуклик синови бўладиган, шунингдек, демократия тамойилларини амалда жорий этиш имконини берадиган сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммедовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг маърузасининг асосий дастурий қоидалари муҳокама этилди.

Қурултойда, шунингдек сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА.**

# КАСАНАЧИЛИК ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Тошкент вилояти аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Мазкур ҳужжатга мувофиқ йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар, тайёргарлик ва малака даражаси етарли бўлмагани боис иш топишга қийналаётган юртдошларимиз касаначиликка кенг жалб этилаётир.

Бекобод туманида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қарийб беш юз нафар киши уй меҳнатига жалб этилди. Айни пайтда уларнинг асосий қисми «Далварзин» пахта тозалаш ва Таъмирлаш заводи» ҳиссадорлик жамиятида, туман машина-тарктор парки ва бошқа корхоналарда шартнома асосида меҳнат қилмоқда.

– Далварзин пахта тозалаш заводида касаначиман, – дейди Озода Болтабоева. – Айни пайтда туманимиздаги корхона ва фермер хўжаликлари буюртмасини бажаряпмиз. Касаначилик асосида меҳнат қилишнинг афзалликлари кўп. Мисол учун рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиш ва ишга яраша ҳақ олиш мумкин.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектларга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1.** Пскент тумани Ҳайдаров ф/хдаги 180 ўқувчи ўринли 33-мактаб қурилиши;
*қурилиш ишларининг тугатилиш муддати – 2008 йил 1 июль.*

**2.** Пскент тумани Намуна ф/хдаги 120 ўқувчи ўринли 34-мактаб қурилиши;
*қурилиш ишларининг тугатилиш муддати – 2008 йил 1 июль.*

**3.** Бўка тумани Азаматов ш/хдаги 280 ўқувчи ўринли 6-мактаб капитал реконструкцияси;
*қурилиш ишларинининг тугатилиш муддати – 2008 йил 1 июль.*

Қурилиш ишлари: бюджетдан ташқари мактаб фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти "Ташконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.

**Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй. Тел/факс: (8371) 281-37-10/11.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Ташконсалтингстройторг" давлат унитар корхонасининг қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй. Тел/факс: 55-50-51.**

**Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 70 000 (етмиш минг) сўм.**

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

# ХОТИРА КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

***Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов адабиётимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизнинг жонкуяр, фидойи вакилларидан эди. Яқинда атоқли олим, таржимон, публицист, устоз ҳақида "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида" номли китоб нашрдан чиқди. Пойтахтимизда ана шу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, адабиёт мухлислари иштирок этди.

Озод Шарафиддинов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимиз, аввало, ёшларга намуна бўлган заҳматкаш олим, маърифатпарвар инсон эди. Кўплаб шогирдлар етиштирган устоздан бебаҳо мерос – адабиётшуносликка оид тадқиқотлар, ажойиб таржималар, ўткир публицистик мақолалар қолди. Китобдан устознинг шогирдлари, замондошлари, у билан ҳамнафас бўлган инсонларнинг дил сўзлари ифодаланган хотиралар жой олган.

Тадбирда устоз фаолияти ва ижодининг адабиётимиз ҳамда ёшлар тарбиясидаги ўрни хусусида сўз юритилди.

**ЎзА.**

Диққат, эмлаш акцияси!

# ЎЗ САЛОМАТЛИГИНГИЗГА БЕФАРҚ БЎЛМАСАНГИЗ

## қизамиқ ва қизилча хуружи соғлиғингизга таҳдид сололмайди

Докторнинг ташҳисини эшитиб, Раҳимжоннинг вужуди зирқираб кетди. Ахир, ўпка яллиғланиши ҳазил гапми? Боз устига, уйланганига ҳали бир ой ҳам бўлмаган.

Тез ёрдам Раҳимжонни вилоят шифохонасига олиб кетди. Унга нима бўлганини эшитиб, Рисолат ҳам изма-из етиб келди. Қабул қилиш хонасига кириб борганида, ҳамширалар тўлдирилган ҳужжатни олиб, Раҳимжонни палатага жойлаштириш тараддудида экан. Йигитнинг ҳамиша чақнаб турувчи кўзларидаги мунг уни ўртаб юборди. Рисолат шошилганича, шифокор ёнига борди.

– Унчалик ташвишланарли эмас, ҳамкасб, – деди ҳужжатларни ҳамширага узатаётиб қабулхона мудири. – Раҳимжон вақтида мурожаат этгани яхши бўлди. Муолажаларни олгач, отдек бўлиб, ишга чиқиб кетади.

– Тўй арафасида қизамиқ тошганди, – деди Раҳимжон палатага жойлашиб олгач. – Асосан оёқда ўтказгандим.

– Аслида Раҳимжон акам бу дардга чалинмасликлари мумкин эди, – дейди Рисолат. – Бунинг учун фақат қизамиққа қарши вақтида эмлатишлари кифоя эди.

Хўш, бу касаллик, унинг асоратлари шунчалик хавфлими?

– Ҳа, қизамиқ, шунингдек, қизилча ҳийла хатарли кечиши, оғир асоратлар қолдириши мумкин, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги эмлаш дастурининг раҳбари Дилором Турсунова. – Ҳар йили жаҳонда 30 миллиондан ортиқ одам шу касалликларга чалинади. Бу хавфли дардлар ҳар йили 450 минг боланинг умрига зомин бўлади. Статистик маълумотларга қараганда Ўзбекистонда 1954-1968 йиллари бу касаллик энг кўп тарқалган. Профилактик эмлаш орқали у деярли бутунлай бартараф этилган.

Умуман, бугунги кунда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти билан UNICEF халқаро ташкилотининг «Қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш» акцияси кўплаб мамлакатларни қамраб олган. Бу ташкилотлар грантини олиш учун ўтказилган халқаро танловда кўп мамлакатлар қатнашди. Бироқ, фақат Ўзбекистон тақдим этган лойиҳагина ана шу нуфузли халқаро ташкилотлар грантига лойиқ топилиб, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш хусусидаги қарор қабул қилинди. Шунга кўра, 12-25 ноябрь кунлари барча шаҳар ва қишлоқларда қизамиқ ҳамда қизилчага қарши оммавий эмлаш амалга оширилади.



Республикамизда 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган болалар ва йигит-қизлар эмланади. Бу тадбирни амалга ошириш учун мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига халқаро грант бўйича 20 миллион доллар ажратилмоқда. Дори-дармон ва бошқа воситаларни олти йўналиш бўйича жойларга етказиб бериш режалаштирилган.

Бу касалликларнинг хавфлилик даражаси жуда юқори. Чунончи, қизамиқнинг вақтида олдини олмаслик ўпка яллиғланиши, асаб тизимининг шикастланиши, карлик ва кўзи ожизлик кўринишидаги асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Қизилча, масалан, ҳомиладор аёлларда бола тушишига, туғилган фарзандларда эса кўзи ожизлик, карлик ва сурункали юрак дарди сингари туғма мажруҳликларга сабаб бўлади. Шу сабабли ўз вақтида эмлатишнинг аҳамияти катта.

– Эмлаш акцияси бутун мамлакатда бирйўла ўтказилади, – деди республика Санитария-эпидемиология назорати маркази иммунопрофилактика бўлимининг мудири Люция Николаевна Ким. – Қизамиқ ва қизилчанинг вируслари ҳаво-томчи йўли билан тарқалади. Бир бемор ён-атрофдаги каттаю кичикни касалликка чалинтириши мумкин. Қизамиқ тана ҳарорати кескин кўтарилиши, ҳолсизлик, йўтал ҳолатида намоён бўлади. Бемор танаси қизил тошмалар билан қопланади. Қизилчада ҳам бемор ўзини беҳол ҳис этиб, бутун танада кучли титроқ пайдо бўлади. Бу касалликлардан фақат вақтида эмлатиш орқалигина ишончли ҳимояланиш мумкин.

Хўш, 12-25 ноябрь кунлари амалга ошириладиган эмлаш акциясини ташкил этишга вилоятимизда қандай тайёргарлик кўрилаётир?

– Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар тўртинчи одам шу кунлар мобайнида мажбурий эмланади, – деди бу саволга жавобан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. – Бу 651 мингдан ортиқ киши ушбу тадбирга қамраб олинади деган сўз.

Табиийки, шунчалик катта кўламдаги ишларни амалга ошириш учун алоҳида тайёргарлик кўрилаётир. Чунончи, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 976 та эмлаш пункти ташкил этилаяпти. Вакциналарни, бошқа воситаларни жойларга сифатли етказиб бериш, эмлаш билан шуғулланувчи тиббиёт ходимлари учун махсус ўқув машқлари ўтказилди. Эмлаш бригадалари совутгич сумкалари билан таъминланаяпти. Айни пайтда шаҳар ва туманларда эмлашдан кейин келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни бартараф этиш билан шуғулланувчи сайёр бригадалар ташкил этилиб, тиббиёт ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

«Қаерларда эмлатиш мумкин?» деган саволимизга ҳар уч мутахассисдан бир хил жавоб олдик. Маълум бўлишича, аввало шифохона ёки поликлиникалардаги эмлаш пунктларига мурожаат қилиш мумкин. Қолаверса, ўқув муассасалари – мактаблар, лицей, коллеж ва институтларда, иш жойларидаги тиббиёт хоналарида ҳам эмлатса бўлади. Энг асосийси, эмлатиш – бепул. Ўзининг саломатлигига бефарқ бўлмаган 11-29 ёшли ҳар бир киши яқин-атрофдаги эмлаш пунктига кириб, эмлатиб чиқса бўлади. Шуни асло унутмаслик керакки, бу фақат соғлиққа фойда.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**СУРАТДА:**
Оққўрғон туман «Соғлом авлод учун» жамғармаси директори, марказий шифохона бош педиатри Турсунбой Душабоев эмлаш акцияси ижрочиларига йўл-йўриқ бермоқда.

